

## № 3 -сонли пудрат шартномаси

Фориш туман.

19 июль 2022 й

Фориш туман Ободонлаштириш бошкармаси (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади) номидан низом асосида фаолият юритувчи Х.Журакулов ва “Forish stroy” МЧЖ кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритилади) номидан низом асосида фаолият юритувчи жамият раҳбари Ш.Садуллаев мазкур шартномани қуидагилар ҳакида туздилар.

### 1. Шартнома предмети

1.1. Пудратчи ўз зиммасига буюртмачининг топшириғига кўра мазкур шартноманинг 1.2.-бандида кўрсатилган ишларни бажариш ва унинг натижасини буюртмачига топшириш мажбуриятини олади, буюртмачи эса ишларнинг натижасини қабул қилиб олиш ва бунинг учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Пудратчи кейинги ўринларда “Ишлар” деб аталадиган қуидаги ишларни бажариш мажбуриятини олади:

**Фориш туман Хонбанди МФЙ кучаларини жорий таъмираш ҳамда ободонлаштириш ишлари**

1.3. Кўрсатилган ишларни бажариш учун пудратчига зарурӣ лойиха-смета хужжатлари, техник шартлар тақдим этиш мажбуриятини олади.

1.4. Пудратчи ишларни ўзининг материалларидан, ўзининг асбоб-ускунасида ва ўзининг инструментлари билан бажаради.

1.5. Ишларни бажариш муддати: Буюртмачи томонидан дастлабки 30% аванс маблағи ажратилган кундан бошлаб 30 кун ичида амалга оширади.

1.6. Ишлар буюртмачи ёки унинг ваколатли вакили томонидан ишларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин бажарилган деб хисобланади.

### 2. Мажбуриятларнинг бажарилиши муддати

2.1. Буюртмачи пудратчига шартнома умумий қийматининг 30 %и миқдорида бунак туловларини амалга оширади. Ишларни қабул қилишда аниқланган нуксон ва камчиликларни бартараф этиш ишлари тўлиқ ҳажмда бажарилгандан сўнг 70% буюртмачига бажарган ишлар учун охирги, узил-кесил, хисоб-китобни амалга оширади.

Мазкур шартнома Фазначилик органларида рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга киради ва 2021 йил 31 декабргача амал қиласи.

### 3. Тарафларнинг хуқуқ ва мажбуриялари

#### 3.1. Пудратчининг мажбуриялари:

3.1.1. Ишларни лозим бўлган сифатда бажариш.

3.1.2. Ишларни мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган муддатда бажариш.

3.1.3. Объектга лойихага биноан зарур булган материалларни, конструкцияларни, бутловчи ашёларни етказиб бериш ва уларни қабул қилиш, тушириш, тахлаш ҳамда сақлашни амалга ошириши;

3.1.4. Ушбу шартнома буйича ишларни бажариш учун жалб қилинадиган маҳсус ташкилотлар билан субпудрат шартномаларини тузгани түгрисида буюртмачига ахборот бериши ва у томондан ишларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаши;

3.1.5. Ишларнинг натижасини буюртмачига топшириш.

3.1.6. Агар пудратчи ишларни бажариш жараённида шартнома шартларидан ишларнинг сифатини ёмонлаштиришга олиб келадиган четга чиқишига йўл қўйган бўлса, буюртмачининг талабига биноан аниқланган барча камчиликларни 10 кун ичида текинга бартараф этиш.

3.1.7. Техника хавфсизлиги, ёнгин хавфсизлиги ва объектни кўриклаш бўйича зарурӣ чора-тадбирларнинг бажарилишини таъминлаши;

3.1.8. Ишларни шахсан бажариш.

3.2. Пудратчи қўйидаги ҳукукларга эга:

3.2.1. Буюртмачи томонидан мазкур шартноманинг 3-бандида кўрсатилган ҳак тўлаш мажбурияти бажарилмаганда, пудратчи ишларнинг натижасини ушлаб туриш ҳукукига эга.

3.3. Буюртмачининг мажбуриятлари:

3.3.1. Пудратчидан ишлар тугалланганлиги ҳақида хабарнома олгандан кейин 5 кун ичида ёки мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган муддат тугаганда, ишларнинг натижасини кўриб чиқиш ва қабул қилиш, ишларнинг натижасини ёмонлаштирадиган шартномадан четга чиқишилар ёки ишлардаги бошқа камчиликлар аниқланганда, булар ҳақида пудратчига дарҳол хабар бериш.

3.3.2. Ишларнинг натижаларини қабул қилган пайтдан мазкур шартноманинг 3-бандида кўрсатилган ҳисоблашишлар тартиби бўйича ишлар учун ҳак тўлаш.

3.4. Буюртмачи қўйидаги ҳукукларга эга:

3.4.1. Ҳар қандай вақтда пудратчининг фаолиятига аралашмаган ҳолда у томонидан бажариладиган ишларнинг бориш жараёни ва сифатини текшириш.

3.4.2. Буюртмачи иш натижаси ўзига топширилгунга қадар истаган вақтда шартномадан воз кечиб, белгиланган баҳонинг буюртмачи шартномани бажаришдан воз кечганлиги тўғрисидаги хабарнома олингунга қадар бажарилган ишлар қисмига мутоносиб қисмини пудратчига тўлаш. Бунда буртмачи пудратчига шартноманинг бекор килиниши туфайли етказилган зарарни бажарилган ишнинг баҳоси билан ҳамма иш учун белгиланган баҳо ўртасидаги фарқ доирасида тўлаши ҳам шарт.

#### **4.Шартноманинг баҳоси ва ҳисоблашишлар тартиби**

4.1. Мазкур шартноманинг баҳоси **566800000 (Беш юз олтмиш олти миллион саккиз юз минг)** сўмни ташкил қиласди.

4.2. Буюртмачи томонидан пудратчига шартнома баҳосини тўлаш бажарувчининг мазкур шартномада кўрсатилган ҳисоб-китоб ҳисобварағига пул маблағларини кўчириш йўли билан амалга оширилади.

#### **5.Тарафларнинг жавобгарлиги**

5.1. Пудратчи мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган ишларни бажариш муддатини бузганлиги учун буюртмачига шартнома суммасидан 20 % микдорда жарима ва ҳар бир кечиктирилган кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5фоизи микдорида пеня тўлайди, бирор бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар баҳосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

5.2. Бажарилган ишлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи пудратчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4фоизи микдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган микдорида пеня тўлайди.

5.3. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилувчи фуқаролик қонунчилиги меъёрларига мувофиқ қўлланади.

5.4. Неустойка тўлаш тарафларнинг улар олдида турган мажбуриятларини бажаришдан ёки шартларнинг бузишини бартараф этишдан озод этмайди.

#### **6.Форс-мажор холатлари**

6.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлик бўлмаган сабабларга кўра ва енгидиб бўлмас куч мавжуд бўлган такдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. (Уруш эълон қилиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер қимирлаши, сув тошқини, ёнғин ва бошқа табиий оғатлар шулар жумласидандир.)

6.2. Бартараф килиб булмайдиган кучларнинг мавжудлиги ёки амалда давом этаётганлигини Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг шунга оид карорлари ёки бошқа

ваколатли органлар томонидан берилган гувохномалари унинг етарли даражадаги тасдиғи бўлиб хисобланади.

6.3. Ўз мажбуриятини бажармаган тараф шартнома буйича мажбуриятни бажаришга унинг таъсир кўрсатиши ёки монелик килиши тўғрисида бошқа тарафга имкон қадар тезда хабар бериши лозим.

## 7. Низоларни ҳал этиш тартиби

7.1. Мазкур шартномани бажаришда юзага келадиган низолар ва келишмовчиликлар тарафлар ўргасида имкон қадар музокаралар йўли билан ҳал этилади.

7.2. Низоларни тарафларнинг музокаралари йўли билан ҳал этиш имкони бўлмаган тақдирда, тарафлар келишмовчиликларни бартараф этиш борасида конунчиликда кўзда тутилган судгача бўлган жараёнларни амалга оширилганларидан сўнг уларни Жиззах шаҳрида жойлашган Жиззах вилоят иктиносидий судида кўриб чиқишга топширадилар.

## 8. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби

8.1. Ушбу шартномага ҳар қандай киритилган қўшимча ва ўзгартишлар ёзма равища расмийлаштирилиб, ҳар иккала тараф томонидан имзоланиб, Фазначилик органларида рўйхатдан ўтгандан сўнг ҳақиқий кучга эга бўлади.

8.2. Шартномани муддатидан олдин бекор килиш тарафларнинг келишуви буйича ёхуд Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Фуқаролик кодекси ва конун хужжатларида назарда тутилган асослар бўйича, етказилган заарларни қоплаш билан амалга оширилиши мумкин.

8.3. Буюртмачи қўйидаги холларда шартномани бекор килишга ҳакли:

-Пудратчининг айби билан ишларнинг боришини сусткашлик билан тухтатиб турилиши, яъни ушбу шартномадаги ишларнинг тамом бўлиш муддати бир ойдан кўпга ошиб кетганда;

-Пудратчининг шартнома шартларини бузиши натижасида лойиҳада кўрсатилган ишларнинг сифати пасайганда.

8.4. Пудратчи қўйидаги холларда шартномани бекор қилишга ҳакли:

-Буюртмачи томонидан пудратчига боғлиқ бўлмаган сабаблар буйича курилиш-монтаж ишларининг боришини бир ойдан ошадиган муддатга тўхтатиб турганда;

-Буюртмачи томонидан кейинчалик ишларни молиялаш имконияти йўқотилганда.

8.5. Буюртмачи ва пудратчининг биргаликдаги қарори буйича шартнома бекор килинганда, буюртмачига тугатилмаган қурилиш топширилади, буюртмачи эса пудратчига улар томонидан аниқланган бажарилган ишларнинг ҳажми кийматини тулайди.

8.6. Шартномани бекор килишга қарор килган тараф бошқа тарафга ёзма хабарнома юборади.

## 9. Коррупцияга қарши курашиш шартлари

9.1. Томонлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупсияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун хужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан пора, яъни ташкилот ходими ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги ёхуд мумкинлиги учун моддий қимматликлами ёки мулкий наф олиш учун қўйидаги ҳаракатларни қилмайди:

пора беришни таклиф қилиш ёки ваъда бериш;

товламачилик қилиш;

пора сифатида пул тўлаш;

бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бериш.

9.2. Томонлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига кафолат беради.

9.3. Агар шартнома бўйича бир томон ахлоққа тўғри келмайдиган ва ушбу шартнома ёки Ўзбекистон Республикаси қонунчилик хужжатларига зид келадиган хатти-ҳаракатларига, шу жумладан, коррупсияга оид хукуқбузарлик содир этишга мажбурлашдан иборат бўлган фактларга дуч келса, бу ҳақда қўйидаги алоқа каналларидан

бири оркали хабардор қилиши керак: ишонч телефони:- Call markaz-1253, Telegram-kanali e-mail: [info@anticorruption.uz](mailto:info@anticorruption.uz)"

#### 10. Якуний қоидалар

10.1. Мазкур шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар, улар фақат ёзма шаклда тузилиб, тарафларнинг бунга ваколатли вакиллари томонидан имзоланиб, Фазначилик органларида рўйхатдан утгандан сунг ҳақиқий хисобланади ва 31.12.2022 йилгача амал киласи.

10.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилди. Иккала нусха айнан бир хил ва тенг кучга эга. Тарафларнинг ҳар бирида мазкур шартноманинг бир нусхаси мавжуд.

10.3. Шартномага илова

#### 11. Тарафларнинг манзиллари ва банк реквизитлари

«Пудратчи»  
“Forish stroy” МЧЖ

(етказиб берувчи номи)  
Адрес: Фориш тумани

ИНН 305 815 777  
Тел./факс

х/р: 20208000800935329001

Банк: ЖИЗЗАХ Ш., ЧЕТ ЭЛ КАПИТАЛИ  
ИШТИРОКИДАГИ "HAMKORBANK" АТБ  
ЖИЗЗАХ ФИЛИАЛИ  
МФО: 01117

Рахбар:  Ш.Садуллаев  
(имзо)



«Буюртмачи»  
Фориш туман Ободонлаштириш  
бошқарамси

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Фориш т. Богдон ш. Ш.Рашидов к.  
3-й  
ш/х\* 401722860082357045204110002  
Банк номи: Тошкент ш Марказий банк  
ББХКМ  
МФО: 00014 СТИР: 206 943 329  
ОКОНХ:

Фазначилик бўлинмаси номи  
Ўз.Рес. Молия вазирлиги ягона Фазна хисоб  
вараги  
Фазна х/в: 23402000300100001010  
МФО: 00014  
Фазначилик бўлинмаси СТИРи: 201 122 919

Рахбар \_\_\_\_\_  
Х.Журакулов  
имзо



# **YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY XULOSA**

## **1.Loyihaning turi. Shartnoma**

## **2.Loyihaning nomi.**

“Forish stroy” MChJ va Forish tuman Obodonlashtirish boshqarmasi o‘rtasida “Xonbandi” MFY ichki ko‘chalarini joriy ta‘mirlash va obodonlashtirish bo‘yicha shartnoma (**566800000=00 so‘mga**) tuzish haqida.

## **3. Loyerha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma’lumot.**

Loyerha Forish tuman yuridik xizmat ko‘rsatish markaziga huquqiy ekspertizadan o‘tkazish uchun 18.07.2022 yilda kiritilgan. Loyerhaga Davlat xaridlarini amalga jshirilgani bo‘yicha tegishli xujjatlar ilova etilgan.

Shartnoma loyerhasi O‘zbekiston Respublikasining “Xo‘jalik yurituvchi sub’ektlar faoliyatining shartnomaviy- xuquqiy bazasi to‘g‘risida”gi qonunini;

O‘zbekiston Respublikasining “Davlat xaridlari to‘g‘risida”gi qonunining 56-63-moddalaridagi davlat xaridi bo‘yicha tanlov o‘tkazish talab va shartlari;

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 14.09.2021 yildagi “Shartnomaviy munosabatlarni tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PF-6313-sonli Farmonining 3-qism v)-bandiga muvofiq tuzilgan.

Shuningdek, loyerhada O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2011-yil 24-avgustdagи “Byudjet tashkilotlari va byudjet mablag‘lari oluvchilarining xarid qilishda 15 foizdan ortiq miqdorda avans to‘lashi mumkin bo‘lgan tovarlar (ishlar, xizmatlar)ning turlari ro‘yxatini tasdiqlash to‘g‘risida”gi 241-sonli qaroriga asosan 30 foiz miqdorida oldindan to‘loymi amalga oshirish nazarda tutilgan.

Shartnoma ishtirokchilarining huquq va majburiyatlari O‘zbekiston Respublikasining Fuqarolik kodeksi, O‘zbekiston Respublikasining “Xo‘jalik yurituvchi sub’ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to‘g‘risida”gi qonunini talablariga javob beradi, shartnoma shartlari yuzasidan kelib chiqishi mumkin bo‘lgan javobgarlik masalasi tomonlar o‘rtasida qonuniy kelishilgan, nizolarni hal qilish tartiblari belgilangan.

Shartnoma loyerhasini huquqiy ekspertizadan o‘tkazish natijalariga ko‘ra:

**X U L O S A**

“Forish stroy” MChJ va Forish tuman Obodonlashtirish boshqarmasi o'rjasida  
“Xonbandi” MFY ichki ko'chalarini joriy ta'mirlash va obodonlashtirish bo'yicha  
tuzilgan shartnoma loyihasi amaldagi qonun talabiga muvofiq va uni imzolash  
mumkin

**Markaz bosh yuriskonsulti**



**K. Shaxarov**

19.07.2022 yil



Фориш туман “Ободонлаштириш бошкармаси” томонидан туман бюджет маблактари жисобидан Фориш тумани Хонбанди МФЙ Хонбанди шахарчаси күчаларини жорий таъмирлаш ва йўл четларини ободонлаштириш ишлари учун № 118305 - сонли лот билан ўтказилган электрон танлов натижасини кўриб чикиш ва ғолиби анкети танлов ўтказиш комиссиясининг

### МАЖЛИС БАЁННОМАСИ № 6

2022 йил « 17» июль

Богдон шахарчаси

#### Катнашдилар:

Фориш туман “Ободонлаштириш бошкармаси” бошлиги X. Жўракулов - баҳолаш танлов комиссиясининг раиси  
**КОМИССИЯ АЎЗОЛАРИ:**

1. Казаков Жахонгир
2. Нуркулов Бобир
3. Узоков Сунат
4. Музаффаров Юсуп
5. Исанова Раъно

Бошқарма мухандиси-танлов комиссияси котиби.  
Бошқарма бош мухандиси-комиссияси аъзоси.  
Бошқарма бош мухандиси-комиссияси аъзоси.  
Бошқарма мухандиси-комиссияси аъзоси.  
Бошқарма хисобчиси-комиссияси аъзоси.

#### Кун тартиби:

1. ЛОТ № 118305 билан Хонбанди МФЙ Хонбанди шахарчаси күчаларини жорий таъмирлаш ва йўл четларини ободонлаштириш ишлари учун .

#### ЭЪЛОН (БУЮРТОМНАМОНА)

Хонбанди МФЙ Хонбанди шахарчаси күчаларини жорий таъмирлаш ва йўл четларини ободонлаштириш ишлари бўйича ахборот порталига жойлаштирилган 2022 йил 04 июлдан 14 июлгача 10 кун муддатга ЛОТ № 118305 – сонли эълон (талабнома)га асосан талаборлар томонидан тақдим этилган таклифлар бўйича.

2. Хонбанди МФЙ Хонбанди шахарчаси күчаларини жорий таъмирлаш ва йўл четларини ободонлаштириш ишлари бўйича (бажариш) иштирок этган ташкилотлар ва уларга кўйилган умумий баллар.

Млн.сўмда.

Товар (иш,хизмат)нинг номи	Ул. бирл	Сони	“Imronbek-Imona” МЧЖ	“Almaz-z” ЧП		“Forishstroy” МЧЖ		
			Таклиф этилган нарх (сўм)	Уму мий балл	Таклиф этилган нарх (сўм)	Уму мий балл	Таклиф этилган нарх (сўм)	
Хонбанди МФЙ Хонбанди шахарчаси күчаларини жорий таъмирлаш ва йўл четларини ободонлаштириш ишлари	Хизмат	1	568970,0	66,51	541499,658	43,95	568000,0	83,63

Талаборлар томонидан Хонбанди МФЙ Хонбанди шахарчаси күчаларини жорий таъмирлаш ва йўл четларини ободонлаштириш ишлари бўйича ахборот порталига жойлаштирилган 2022 йил 04 июлдан 14 июлгача 10 кун муддатга ЛОТ № 118305 – сонли эълон юзасидан 18.06.2022 йил соат 09: 50 га кадар оғзаки ёки ёзма эътиroz ва мурожаатлар тушмади.

Комиссия Хонбанди МФЙ Хонбанди шахарчаси күчаларини жорий таъмирлаш ва йўл четларини ободонлаштириш ишлари учун ўтказилган танлов бўйича:

#### Қарор килади:

1. Фориш тумани Хонбанди МФЙ Хонбанди шахарчаси күчаларини жорий таъмирлаш ва йўл четларини ободонлаштириш ишлари бўйича ўтказилган танловда 83,63 балл билан ғолиб бўлган “Forishstroy” МЧЖ билан шартнома имзоланиб, ғазначилик бўлимидан рўйхатдан ўтказилсин.

1. Казаков Жахонгир
2. Нуркулов Бобир
3. Узоков Сунат
4. Музаффаров Юсуп
5. Исанова Раъно